



05 2022 й.

**Миллий ва чет эл валюталарида талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларини  
очиш ва унга хизмат кўрсатиш учун шартнома тузиш бўйича жисмоний шахсларга  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100029, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк”) ушбу билан мазкур офертани қабул қилган жисмоний шахслар (кейинги ўринларда “Мижоз”) га қуйида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан миллий ва хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами бўйича (кейинги ўринларда “банк ҳисоб рақами” ёки “ҳисобварақ”) амалиётларни амалга ошириш юзасидан хизматларни таклиф қилади.

1.2. Ушбу оммавий оферта Мижозга талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамини очишда, шунингдек, халқаро пул ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатишда миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами шартномаси ҳисобланади.

1.3. Ушбу шартноманинг предмети бўлиб Банк томонидан Мижознинг пул маблағларини талаб қилиб олингунча депозитига қабул қилиш, барча турдаги ҳисоб-китоб ва касса хизматларини амалга ошириш, Мижознинг банк ҳисоб рақамига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ўтказиш ҳамда Мижознинг пул ўтказиш ва тегишли маблағларни бериш бўйича топшириқларини бажариш, шунингдек халқаро пул ўтказмалари бўйича амалиётларни амалга ошириш ҳисобланади.

1.4. Мижоз томонидан Банк хизматлари ўз вақтида тўланганда ва ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятлари бажарилганда Банк томонидан ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатилади.

### **2. ШАРТНОМА ТУЗИШ ТАРТИБИ**

2.1. Ушбу Талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами шартномаси жисмоний шахслар-мижозлар билан оммавий оферта шартларида тузилади. Жисмоний шахс томонидан мазкур оммавий офертанинг 1-иловасидаги шакл бўйича Банкка ариза берилиши акцепт (ушбу шартномани тузишга розилик) деб ҳисобланади. Банк томонидан акцепт олинган ва Мижозга банк ҳисоб рақами очилган пайдан бошлаб ушбу шартнома ёзма шаклда тузилган, деб ҳисобланади.

2.2. Банк ҳисоб рақамини очиш Мижознинг аризаси, шунингдек унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси асосида амалга оширилади.

### **3. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **3.1. Мижоз қуйидагиларга ҳақли:**

- Банк ҳисоб рақамида турган ўз пул маблағларини мустақил бошқариш, ўз ҳисоб рақамига нақд ва нақд пулсиз шаклда пул маблағларини киритиш;
- агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Шартнома шартлари бўйича депозит маблағини тўлдириш;

- пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тузиш ва банк амалиётларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни Банкдан олиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида маълумот олиш;
- ҳисоб рақамдаги маблағларни шахсан ҳамда ўз вакили орқали (ишончнома асосида) тасарруф этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса;
- Банкдан ушбу шартнома шартларига риоя қилишни талаб қилиш;
- ўзи олган кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўз ҳисоб рақамидagi пул маблағларини кредит (қарз)ни тўлашга йўналтириш;
- мазкур шартномани Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш;
- ариза асосида СМС-хабардор қилиш хизматидан воз кечиш;
- агар банкда янги омонат дафтарчалари мавжуд бўлиб, дафтарча саҳифалари тўлиқ тўлдирилган ёки у яроқсиз ҳолга келган ёки йўқолган бўлса, банк Тарифларига мувофиқ (агар бу Банк Тарифлари билан назарда тутилган бўлса) воситачилик ҳақини тўлаб, янги омонат дафтарчаси олиш.

### **3.2. Мижоз қуйидагиларни ўз зиммасига олади:**

- Банкда белгиланган иш вақтига, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ банк ҳисоб рақами бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- ўз ҳисоб рақами ҳолати тўғрисида маълумот олаётганда, ўтказилган амалиётларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш. Ўтказилган амалиётларда оғишлар, бузилишлар ёки шубҳалар аниқланган тақдирда, бундай маълумотлар олинган пайтдан бошлаб 2 иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;
- хизматлар кўрсатилган кунда амалда бўлган Банк томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ ҳисоб рақамга банк томонидан хизмат кўрсатганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;
- Банкка тақдим этилган ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг нотўғрилиги учун мустақил равишда тўлиқ жавобгар бўлиш;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар, ўзгарган яшаш жойи ва боғланиш телефонлар рақамлари тўғрисида дарҳол шу куннинг ўзидаёқ Банкни хабардор қилиш, шунингдек, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш;
- ҳисоб рақам бўйича ҳар қандай амалиётларни амалга оширишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (мижоз вакили учун эса шунингдек белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома) ни тақдим этиш;
- ҳисоб рақам ёпилган куни омонат дафтарчасини қайтариш (дафтарча йўқотиб қўйилган ҳолатлар бундан мустасно).

**3.3. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

## **4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **4.1. Банк қуйидагиларга ҳақли:**

- ҳисоб рақамга нисбатан талаб қўйилганда пул маблағларининг мавжудлигини ва Мижознинг ушбу маблағларни ҳисоб рақамдаги маблағ доирасида эркин тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда Мижознинг банк ҳисоб рақамидagi пул маблағларидан молиявий ресурслар манбаи сифатида фойдаланиш;
- Банк тарифларига мувофиқ банкка тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақини Мижознинг ҳисоб рақамидан акцептсиз ечиб олиш;
- ҳисоб рақамга хизмат кўрсатиш учун тарифларни белгилаш;

- Мижоз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолатлари мавжуд бўлганда, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби ва уларни Банкка тақдим этиш муддатлари бузилганда Мижознинг банк ҳисоб рақами бўйича амалиётларни тўхтатиб туриш ёки уларни амалга оширишни рад этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари билан Банк зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб қўйиш.

#### **4.2. Банк қуйидагиларни ўз зиммасига олади:**

- ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда Мижознинг банк ҳисоб рақамига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш, Мижознинг ҳисоб рақамидан тегишли маблағларни ўтказиш ва ечиб олиш бўйича топшириқларини бажариш, халқаро пул ўтказмалари ва омонатга доир амалиётлар бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

- Мижознинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш ёки тегишли тўлов ҳужжати Банк томонидан қабул қилинган куннинг ўзида унинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқариш, агар у Банкнинг амалиёт ўтказиш кунда келиб тушган бўлса. Агар тўлов ҳужжати амалиёт кунни тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, Банк кейинги иш кунидан кечиктирмай тўловни амалга ошириши шарт;

- Мижознинг ҳисоб рақами бўйича амалиётларни сир сақлаш. Мижознинг розилигисиз ҳисоб рақам бўйича амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган ҳолларда учинчи шахсларга тақдим этилади;

- Мижоз банк тарифлари билан мустақил равишда таниша олиши учун Банкнинг [www.infinbank.com](http://www.infinbank.com) расмий сайтига Банк тарифларини жойлаштириш;

- нақд пул қўйиш учун Мижозни ариза бланкалари билан таъминлаш;

- Мижознинг талабига биноан ҳисоб рақамдан кўчирмалар тақдим этиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Мижознинг биринчи талабига биноан пул маблағлари (депозит) ни ёки унинг бир қисмини қайтариш.

4.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ**

5.1. Мижоз ўзи томонидан Банкка тақдим этилган пул-ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги ёки сохталиги учун жавобгар бўлади ва Банкка бундай маълумотларни тақдим этиш натижасида етказилган зарарни қоплаши шарт.

5.2. Мижоз телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида Банкни ўз вақтида хабардор қилмаган тақдирда Банк Мижознинг мобил телефонига омонат тўғрисида СМС-маълумот жўнатганда банк сирларининг ошкор этилиши учун, шунингдек, унга омонат бўйича хабарларни ўз вақтида юбормаганлик учун жавобгар бўлмайди.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар (Банк ва Мижоз) ушбу шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бузганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

### **6. ФОРС – МАЖОР**

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар ушбу шартнома тузилгандан кейин томонлар олдиндан кўра олмаган ва оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда ҳолатлар оқибатида юзага келган енгиб бўлмас куч натижасида бўлса.

6.2. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома Банк томонидан Мижоз акцепти олинган пайтдан ва омонат суммаси Банкка келиб тушган кундан бошлаб ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади ва томонлардан бири уни бекор қилмагунча амал қилади.

7.2. Ушбу шартнома Мижознинг аризасига асосан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

7.3. Банкнинг талабига биноан ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

7.4. Банк ҳисоб рақами шартномасининг бекор қилиниши Мижознинг ҳисоб рақамини ёпиш учун асос ҳисобланади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

8.1. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Мижоз Банкка ўз фаолиятини юритиш, Банк томонидан мазкур шартнома шартларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадларда Банк томонидан Мижознинг ҳар қандай шахсий маълумотларига ишлов бериш ва улардан фойдаланишга муддатсиз розилигини тақдим этади.

8.2. Ушбу билан Мижоз барча алоқа воситалари: почта тарқатмаси, СМС-тарқатма, овозли тарқатма, электрон хатлар тарқатмаси ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда, аммо улар билан чекланмасдан бевосита алоқаларни амалга ошириш йўли билан Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини Банкдан қабул қилишга ўз розилигини билдиради.

8.3. Мижознинг аризасига асосан (ушбу офертага 1-илова):

- Агар бир йил давомида ҳисобварақ бўйича амалиётлар амалга оширилмаса ва ҳисобварақда қолдиқ бўлмаса, Банк шартномани бекор қилади ва Мижознинг ҳисобварағини ёпади;

- Агар бир йил давомида ҳисобварақ бўйича амалиётлар амалга оширилмаган бўлса ва ҳисобварақ бўйича қолдиқ мавжуд бўлса, ҳисобварақдаги қолдиқ Банк томонидан ҳаракатсиз ҳисоб рақамига ўтказилади, шундан сўнг ушбу шартнома бекор қилинади ва Мижознинг ҳисобварағи ёпилади.

8.4. Агар Мижоз банк ҳисобварағидаги қолдиқ ҳаракатсиз ҳисобвараққа ўтказилганидан кейин 10 йил давомида ушбу қодиқни талаб қилмаса, ҳаракатсиз ҳисобварақдаги қолдиқ “29840 – Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар” ҳисобварағига ўтказилади.

8.5. Агар техник жиҳатдан имкон бўлса, омонат (омонат очилаётган филиалда очилган барча депозитлар) очишда омонат қолдиғи, кирим ва чиқим амалиётлари тўғрисида ва бошқа зарур маълумотларни Мижознинг мобил телефонига юбориш учун СМС-хабарнома хизмати уланади.

8.6. Омонат бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилган ҳолларда, Банк амалиётлар тўхтатилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижозга унинг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйилганлиги ва унинг сабаблари тўғрисида маълумот (хабар) юборади.

8.7. Кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарзларни тўлаш учун омонатдан пул маблағлари Мижознинг топшириғисиз ечиб олинган тақдирда, Банк пул маблағлари ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай Мижозга почта орқали ечиб олинган сумма ва бунинг сабаблари, шунингдек у кимнинг фойдасига амалга оширилганлиги ҳақида хабарнома юборади.

8.8. Ушбу Шартноманинг 8.6. ва 8.7.-бандларида назарда тутилган маълумотлар (хабарномалар) мижозга шахсан, электрон алоқа ва бошқа алоқа каналлари орқали ҳам етказилиши мумкин. Мижоз маълумотни (хабарномани) етказиб бериш усулини банкка шахсан келиб ёки почта орқали ёзма ариза бериш орқали ўзгартиришга ҳақли. Шу билан бирга Мижоздан қабул қилинган ариза Банк томонидан унинг банк ҳисоб рақамига доир йиғма жилдда ёки омонат ҳисоб рақамлари бўйича алоҳида картотекада сақланади. Маълумотномани (хабарномани)

мижозга етказиб бериш усулининг ўзгариши муносабати билан ушбу шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

8.9. Ҳисобварақдан фойдаланган ҳолда банк операцияларини масофавий амалга оширишда Мижоз куйидагилар ҳақида огоҳлантирилади:

- ноқонуний операцияларга аралашиб қолиш хавфи Мижознинг зиммасида эканлиги ҳақида;
- Мижоз ноқонуний операцияларга аралашиб қолган тақдирда, банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тегишли чоралар кўриши ҳақида.

8.10. Банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда Мижознинг Банкдаги омонати бўйича ҳақ тўлашни кафолатлаш Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан амалга оширилади. Фонд томонидан Мижознинг Банкдаги омонати бўйича ҳақ тўлашнинг кафолатланиши Банк қайта ташкил этилиши муносабати билан лицензия чақириб олинган ҳолларга татбиқ этилмайди.

8.11. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни томонлар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Томонлар келишувга эришмаган келишмовчиликлар банк жойлашган жой бўйича судда ҳал қилинади.

8.12. Ушбу Офертани қабул қилиш орқали Мижоз шартноманинг барча шартларини сўзсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди ва уни бажариш мажбуриятини олади.

## **9. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**АТБ “InfinBank”**

**СТИР: 206 942 764, МФО: 01041, ОКЭД: 64190**

**Манзил: 100029, Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 1-уй**

**тел.: (71) 202-50-60**

**факс: (71) 140-50-70**

**Жисмоний шахсларга миллий ва хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамини очиш ва унга хизмат кўрсатиш учун шартнома тузиш тўғрисидаги Оммавий офертага 1-илова.**

**Ҳисоб рақам очиш учун  
АРИЗА**

	дан
--	-----

Ҳисоб рақам очишингизни сўрайман:

Ҳисоб рақам тури:

- талаб қилиб олингунча депозит;
- муддатли депозит;
- омонат депозити;
- бошқа \_\_\_\_\_;

Ҳисоб рақам валютаси:

- Сўм;
- АҚШ доллари;
- Евро;
- бошқа \_\_\_\_\_;

Ўз имзоим намунасини бераман \_\_\_\_\_

Агар бир йил давомида ҳисобварағим бўйича амалиётлар амалга оширилмаса:


- ва ҳисобварағимда қолдиқ бўлмаса, шартномани бекор қилишингизни ва ҳисобварағимни ёпишингизни сўрайман;
- ва ҳисобварағимда қолдиқ мавжуд бўлса, ҳисобварағимдаги қолдиқни ҳаракатсиз ҳисоб рақамга ўтказишингизни, шундан сўнг шартномани бекор қилишингизни ва ҳисобварағимни ёпишингизни сўрайман;

Оммавий оферта шартлари ва ҳисоб рақамга хизмат кўрсатиш тарифлари билан танишдим ва розиман.

Ҳисоб рақам эгасининг  
имзоси

	Сана	____ йил
---	------	----------

**БАНКНИНГ ИШГА ОИД ҚАЙДНОМАЛАРИ**

Ишга оид ҳаракат / қарор / қайдлар	Ходимнинг Ф.И.Ш.	Имзо
Аризани қабул қилди	_____	

_____ сонли	
ҳисоб рақам	

*Киритилди:*

**Чакана бизнес департаменти  
директори в.в.б.**

 **Б.А.Давронов**

*Келишилди:*

**Бошқарув Раиси ўринбосари**

 **Б.С.Джураев**

**Чакана бизнес департаменти директори**

 **И.Т.Усманов**

**Ички аудит департаменти директори**

 **А.У.Режаматов**

**Юридик Департаменти директори в.б.**

 **Ж.М.Атамирзаев**

*Танштирилди:*

**Маркетинг ва реклама  
департаменти директори**

 **С.Ш.Акрамбаев**